

Марказий институтда илмий-амалий конференция ўтказилди



Халқ таълими ходимларини

қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими фаолиятида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва соҳага доир муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб олиш мақсадида

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида 2015 йил 23 май куни “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида Республика илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференциянинг асосий мақсади — халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимидаги таълим-тарбия самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижаларни ва мавжуд муаммоларни соҳа раҳбарлари, мутахассислари, олимлари ва профессор-ўқитувчилари томонидан таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни умумлаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари аниқлаш асосида навбатдаги вазифаларни белгилаб олиш ҳисобланади.



Илмий-амалий конференциянинг иши

куйидаги 9 та шўба йўналиши бўйича ташкил қилинди:

1. Таълим муассасалари раҳбарларининг малакасини оширишда сифат ва самарадорликни таъминлаш масалалари.
2. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида замонавий таълим технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари.

3. Халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган хорижий тиллар ўқитувчиларининг касбий салоҳиятини ошириш йўллари.
4. Қайта тайёрлаш ва малака оширишда педагогика ва психологияни ўқитишнинг долзарб масалалари.
5. Халқ таълими ходимларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини такомиллаштиришнинг самарали йўллари.
6. Таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари маънавий-маърифий билимларини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари.
7. Билимга таянган бозор иқтисодиётида интеллектуал таълимнинг роли.
8. Махсус таълим йўналишидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг самарадорлигини таъминлаш омиллари.
9. Болаларни мактабга тайёрлашда мактабгача таълим муассасаси,



оила ва мактаб ҳамкорлигини самарали ташкил этиш масалалари.

Конференциянинг ялпи мажлисида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимидаги таълим-тарбия ишларининг ҳозирги ҳолати таҳлили, уни янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, долзарб масалалар ҳамда халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий асосларига бағишланган маърузалар тингланди. Сўнгра шўъбаларда иштирокчиларнинг тегишли йўналишлар бўйича маърузалари тингланиб, муҳокама ва мунозаралар орқали аниқ вазифалар белгиланиб, тегишли тавсиялар қабул қилинди.



вазирлиги

раҳбарияти, ЎзР Давлат

статистика қўмитаси, ММХҚТМОРЎММ, Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, Ташкент давлат аграр университети, шунингдек, республикаимиздаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, таълим муассасалари раҳбарлари ва педагоглари, масофадан ўқитишни ривожлантириш марказлари ходимлари, ёш олимлар, магистрант ва талабалар ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Конференциянинг ялпи мажлисида ва шўъбаларда тингланган 100 дан зиёд маърузалар, уларнинг муҳокамаси, интерфаол машғулотларда билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида таълим-тарбия самарадорлигини оширишга йўналтирилган тавсиялар қабул қилинди.

Илмий-амалий конференция материаллари “Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар” номли институт ахборотномасининг махсус сони сифатида тўплам кўринишида чоп этилди.